



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 14 февраль, № 31 (5451)

Сешанба

Мамлакатимизда:



**Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар**

■ Қорақалпоғистон Республикаси

Тўрткўл туманидаги “Алкен-мебель” масъулияти чекланган жамияти бундан беш йил муқаддам банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига фаолият бошлаган эди.

Буюртмачилар сони ортмоқда

Ўтган даврда бу ерда тайёрланган сифатли ва бежирим мебеллар харидорлар эътиборига тушиб, буюртмачилар сони ортди. Шундан келиб чиқиб, яқинда корхонанинг яна иккита филиали ташкил этилди. Натижада маҳсулотлар ҳажми кескин ортиб, корхона ишчилари сони 30 нафарга етди.

Ҳозир Оролбўйи минтақасида 19 минг 118 та тadbиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Навоий

Қизилтепа туманида лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик “Тошрабoт oқ чашмаси” хусусий корхонаси ташкил этилди.

Янги лойиҳа самараси

Мазкур лойиҳа тadbиркор Акбар Ансаров сaъй-ҳаракати билан амалга оширилди. Ҳозир бу ерда хорижнинг замонавий технологик жиҳозлари ёрдамида 10 турдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Таъкидлаш керакки, “Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили” Давлат дастури доирасида вилoятда сут маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган 4 та лойиҳа амалга оширилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Сурхондарё

Шеробод тумани йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш корхонасида йилига 21 минг тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди.

Йўллар равон бўлади

Мазкур лойиҳа 2 миллиард сўмлик маблагъ эвазига рўёбга чиқарилди. Натижада қўшимча 15 та иш ўрни яратилиб, ойига 1600 тоннагача асфальт тайёрлаш йўлга қўйилди.

Туманда 2011 йилда биргина қурилиш ашёлари ҳамда мебелъ жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ўнга яқин лойиҳа амалга оширилди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Тошкент вилояти

Чирчиқ шаҳридаги “Chirchik antep” масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ.

Чирчиқнинг нақшинкор гиламлари

Бироқ бу ерда замонавий усулда тўқилаётган гиламлар сифати ва бежиримлиги билан ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурди. Мазкур корхона ихчам ҳамда тежамкор минитехнологияларга асосланган бўлиб, бу ерда қисқа муддатда умумий ҳажми 1,5 минг квадрат метрлик турли ўлчам ва дизайндаги гиламлар тайёрланди.

Умуман, Чирчиқ шаҳрида 2011 йил мобайнида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 606,5 миллиард сўмликни ташкил қилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Хоразм

Богот туманида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан ўтган йили 29 миллион 520 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

Экспорт салоҳияти ошди

Бундай салмоқли натижаларга эришишда “Богот текстиль” қўшма корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Кейинги йилда бу ерда 719 минг АҚШ долларлик техник ва технологик янгиликанишлар амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, маҳсулот сифати тубдан яқшиланди. Қўшма корхонанинг 285 кишилик жамоаси томонидан 2011 йил мобайнида 17 миллиард 436 миллион сўмлик калава ип тайёрланиб, шундан 9 миллион 189 минг АҚШ долларлик қисми экспортга чиқарилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Фахр

Боланинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб улғайишида спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, давлатимиз томонидан бу борада олиб борилаётган сиёсат мазмун-моҳиятини, аҳамиятини халқимиз чуқур англаб етаётир. Буни шахару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб турган, бири-биридан ажойиб спорт мажмуаларида ташкил этилган машғулотларда қатнашаётган ўғил-қизларимиз сони йил сайин ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

СОҒЛОМ МИЛЛАТ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Ўзаро давралардаги суҳбатларда ҳам ота-оналар фарзандларининг қайсидир спорт тури, масалан, бадий гимнастика, футбол, волейбол ёки баскетбол сирларини ўрганишига имконият яратиб беришаётганини, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, болаларининг ўқишидаю юриштуришида, саломатлигида ижобий жиҳатлар кўзга ташлана бошлаганини айтишмоқда. Бундай илиқ муносабатлар, албатта, спортнинг мамлакат миқёсида оммалашишида, унинг умумхалқ ҳаракатига айланишида катта роль ўйнайди.

Ўтган ҳафтада Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз мазкур йўналишда тўлланган тажрибалар, қўлга киритилган ютуқ ва натижалар ҳақида атрофлича тўхталиб, олдимизда турган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида

эътибор қаратдилар. Айниқса, фарзандларимизнинг спортга қизиқишини, интилишини ёш болалик давриданоқ уйғотиш келгусида кўпдан-кўп эзгу мақсадларга пойдевор бўлиб хизмат қилиши хусусидаги фикрлари ва буни ҳаётий мисоллар билан жуда чуқур асослаб берганликлари бизни ушбу масалага янада масъулият билан ёндашишга ундайди. “Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди”, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Мазкур жамғарма тузилгандан буён 1400 дан зиёд бола-

лар спорт объекти барпо этилгани, улар зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлангани давлатимизнинг баркамол авлод тарбиясига қаратаётган эътибори нақадар юксак эканини англатади. Мисол учун, биргина Хоразм вилоятида ушбу даврда 87 та замонавий болалар спортини иншооти фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 22 миллиард 654 миллион 200 минг сўмдан ортиқ маблаг сарфланди. Барча спорт мажмуасида меъёрий талаблар асосида шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Шунингдек, умумтаълим мактаблари спорт заллари 36 турдаги, ТИП асосидаги спорт иншоотлари 32 турдаги ва сузиш ҳавзалари 8 турдаги спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан таъминланган.

(Давоми 2-бетда).

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Давлат тараққиётида малакали кадр, етуқ мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ташаббуси билан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқиши ва ҳаётга татбиқ этилиши туфайли нафақат мактаблар қиёфаси кўркамлашиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, шу билан бирга, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Таълим соҳасини такомиллаштиришга оид ислоҳот-

лар боис юртимизда кўплаб янги ўқув бинолари қад ростлади, мавжудлари мукаммал таъмирланиб, энг сўнгги замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан биридир. Зеро, ҳозирги кунда институт тўқимачилик, енгил, пахта саноати ва матбаачилик соҳаси учун юқори малакали мутахассис

кадрлар тайёрлайдиган Марказий Осиёдаги ягона олий таълим муассасаси ҳисобланади. Институтнинг 5 та факультетида 12 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва 23 та мутахассислик бўйича магистрлар тахсил олмоқдалар. 364 нафар профессор-ўқитувчи ёшларимизга илғор технологиялар асосида сабоқ бераёпти.

Албатта, ҳамма нарса тақосда ойдинлашади. Гап шундаки, яқинда Жанубий Кореянинг Джунгбу технология университетида бўлди. Биласиз, бу мамлакатда саноат, ишлаб чиқариш, таълим жуда ривожланган. Сафар давомида у ердаги талабаларнинг

дунёқараши, илмга бўлган муносабати билан қизиқдик ва беҳтиёр юртимиз ёшларининг онгу тафаккури бу ердаги тенгдошлариникидан кам эмаслигига, баъзи ўринларда эса ёшларимизнинг улардан устун жиҳатлари борлигига амин бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз истиқлол туфайли қисқа фурсатларда улкан муваффақиятларга эришди. Ўқув юртларимизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши, талабаларимизнинг энг нуфузли хорижий даргоҳларда ўқиётган тенгдошлари билан бемалол баҳslashлаш олиш

(Давоми 2-бетда).

муносабатларни фаоллаштириш учун катта салоҳият мавжуд эканлиги қайд этилди. Буюк Герцог бутун ўзбек халқига чин дилдан фаровонлик ва муваффақиятлар тилади.

«Жаҳон» АА.

бошқаруви соҳаси истиқболларига бағишланди. Tadbирда профессор-ўқитувчилар, туризм ва меҳмонхона бошқаруви тизими мутахассислари, мамлакатимизда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган қатор фирма ва компаниялар вакиллари, иқтидорли талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда институт ректори Ф. Ризаев, Туризм ва меҳмонхона менежменти факультети декани доктор Жерри Ашр Барук ва бошқалар юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда унинг самараси хусусида тўхталиб, ёшларимизнинг илм олиши учун яратилган замонавий шарт-шароитларни алоҳида-эътироф этишди. Шундан сўнг ўқув даргоҳи талабалари инглиз тилидаги махсус слайдларини тақдим қилдилар. Анжуманда, айниқса, Ҳумоюн Ҳотамжонов ва Иван Фесенко муаллифлигидаги туризм хизмати имкониятларига бағишланган тақдирот соҳа мутахассисларининг қизиқиш ва эътирофига сазовор бўлди.

(Давоми 2-бетда).

■ Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Фарғона шаҳрида “Tadbиркорлик — мустақам оила пойдевори” мавзuida бизнес-форум ташкил қилинди.

Кичик бизнес: ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Таъкидландики, 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилида ушбу вилоятда бундай субъектларнинг жадал ривожланиши учун ишончли ва қулай муҳит яратиш борасида кенг қамровли ишлар бажарилди. Хусусан, уларга ажратилган кредитлар миқдори 253 млрд. 270 млн. сўмга етди. Бу кўрсаткич аввалги йилдаги нисбатан 1,6 баробар кўпдир. Пировардида 20 000 га яқин иш ўрни яратилган бўлса, кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61,2 фоиздан ортди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан “Мустақам оила йили” деб эълон қилинган 2012 йилда эса вилоятда ҳар бир оиланинг фаровонлигини юксалтириш, айниқса, ёш оилалар учун бахтли турмуш тарзи яратилишини таъминлаш бўйича банк тизими орқали яна қатор чора-тadbирлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига 266,1 млрд. сўмлик кредит маблағлари берилиши мўлжалланаяпти.

Бизнес-форумда республика тижорат банклари томонидан 7 та номинация бўйича ғолиб деб топилган 85 та лойиҳа эгаларига 7,8 млрд. сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича сертификатлар топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу моделнинг асосий тамойилларидаан бири — кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб бориш, яъни кам таъминланган оилалар, ногиронлар, кекса ва ёлғиз қарияларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларга моддий, маънавий ёрдам бериш масалаларига кенг эътибор бериб келинаётир.

Албатта, бу борада “Маҳалла” хайрия жамғармаси, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, юртимиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ҳам салмоқлидир.

Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир. Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азда ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда. Бошқача айтганда, бугун мазкур фуқаролик жамияти институтлари томонидан иқтисодий ночор оилалар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар аҳолини ўрганиб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, Саховат, Мурувват ва Меҳрибонлик уйлариининг моддий-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ МАСКАНИ

техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар рўёбга чиқарилмоқда. 2006 — 2011 йиллар учун қабул қилинган Давлат дастурларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, “Маҳалла” хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилган кенг қамровли ишлар мисолида ҳам буну яққол кўриш мумкин.

— Республикаимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бераяпти, — дейди “Маҳалла” хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Раҳ-

матилла Шералиев. — Жамғармамизнинг ижтимоий ҳимоя ишларига сарф этилаётган маблағлари салмоқли экани ҳам ана шундан далолатдир. Жамғарма томонидан кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларга аниқ манзилли ёрдам қўсратиш самарадорлигини оширишга қаратилган изчил чоратadbirlar кўрилмоқда ҳамда бу борада маҳалла фуқаролар йиғинларига амалий ёрдамлар кўрсатилаётир.

Шу ўринда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳар йили ўтказиб келинаётган умумхалқ хайрия

ҳашарлари муҳим аҳамият касб этаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳашарлар чоғида ҳудудларни ободонлаштириш билан бирга, ёлғиз кишилар уй-жойларини таъмирлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш яхши анъана тусини

рибонлик уйида тарбияланиб чиққан, ҳозирги пайтда олий ўқув юртларида таълим олаётган 41 нафар талабанинг шартнома маблағлари тўлаб берилди.

Шунингдек, вилоятда кам таъминланган оилаларнинг қўшимча даромад манбаини

олди. Жумладан, биргина ўтган йили Наврўз байрами муносабати билан ташкил этилган хайрия ҳашарида 41 минг 734 кам таъминланган оила ва ёлғиз кексалар уй-жойлари таъмирланди.

Бундай савий-ҳаракатларни юртимизнинг ҳар бир ҳудуди ва маҳалласида кўриш мумкин. Сирдарё вилоятида ҳам маҳаллани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоятда аҳолининг иқтисодий ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Меҳ-

яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Жамғарма вилоят бўлими маълумотларига кўра, шу мақсадда ҳар бир туман ва шаҳардан биттадан намунали маҳалла танлаб олиниб, у ерда яшовчи кам таъминланган оилаларга бепул парранда тарқатилди. Айни чоғда бундай оилалар даромадларини ошириш мақсадида қорамол олиб берилаётир. Мухими, ушбу йўналишдаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Масалан, жамғарманиннг Янгирер шаҳар бўлинимаси томонидан яқинда оливлый бизнесни йўлга қўйиш иста-

гида бўлган оилалар учун тикув машиналари сотиб олинди. Ҳозирги пайтда ушбу оилаларда тикилаётган турли хил қийим-бошлар бозорларга чиқарилиб, қўшимча даромад келтирмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бора-сидаги фаолияти салмоқ касб этаётир. Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оливлый бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш вазифаси белгилаб берилди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши маҳалланинг турмушимизда тугган ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, унинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларини бугунги кун талаби даражасида юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Зокир ХУДОШКУРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аниқ мақсадга йўналтирилган эзгу савий-ҳаракатлар натижасида вилоятда бугунги кунда 132 минг 590 нафар ўғил-қиз ўзи севган спорт тури бўйича мунтазам машғулотларга қатнашмоқда. Бунда қизларнинг иштироки фаоллашайтгани янада эътиборлидир. Жумладан, бадий ва спорт гимнастикаси, сузиш, қўл тўпи, футбол, волейбол, баскетбол каби жами 39 та спорт турининг 30 тасида 52 минг нафардан зиёд қиз мунтазам иштирок этаёпти.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда Урганч шаҳри ва туманларда бадий гимнастика марказларининг фаолияти йўлга қўйилгани хотин-қизлар орасида спортни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Бир мисол: Богот туманининг Бешарик қишлоғида ҳам шундай маскан бор. Бугунги кунда бу ерда 138 нафар қиз спортнинг нафис тури билан шуғулланмоқда. Улар қисқа вақт ичида маҳоратларини ошириб, эндиликда республика миқёсидаги мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритишмоқда. Хусу-

СОҒЛОМ МИЛЛАТ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

сан, марказ тарбияланувчиси Гулбону Кенжаева ўтган йили Халқ таълими вазирлиги соврини учун ўтказилган республика биринчилигида бронза медалига сазовор бўлди. Дарвоқе, Богот бадий гимнастика маркази қизлари жорий йилги “Умид нихоллари” спорт мусобақаларининг вилоят босқичи голиби ҳисобланишди.

Умуман, бугунги кунда Хоразмда бадий гимнастика бўйича ташкил этилган секцияларда 1703 нафар қиз тажрибали мураббийлардан сабоқ олмоқда. 2011 йилда улардан 2 нафари спорт устаси, 10 нафари спорт усталигига номзод макomini олди.

Бу йил вилоятда битта замонавий болалар сузиш ҳавзаси, битта мусика ва санъат мактабини янгидан бунёд этиш, битта мусика ва санъат мактабини эса капитал реконструкция қилиш, 5 та умумтаълим мактабида қўшимча спорт заллари қуриш режалаштирилган. Мазкур объектларни ўз вақтида, сифатли қилиб фойдаланишга топшириш учун барча шароит ва имкониятлар етарли.

Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида айтган фикр-мулоҳазалари, кўрсатган йўл-йўриқлари келгуси фаолиятимизни самарали ташкил этишда барчамиз учун муҳим дастуриламал бўлади.

Комилжон ИБРАИМОВ,
Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хоразм вилояти филиали директори.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир давомида талабалар меҳмонларни институтнинг ўқув лабораторияси шарт-шароитлари билан яқиндан таништирдилар.

— Институтимизнинг Франция, Буюк Британия, Австралия сингари давлатлардаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган, — дейди талаба Диловар Ҳасанов. — Хусусан, ўзим таҳсил олаётган Туризм ва меҳмонхона менежменти йўналиши Саузен Кросс (Австралия) университети таркибидagi энг етакчи факультетлардан биридир. Шу боис ўқув жараёни бизда ушбу нуфузли университет тажрибасига асосланган ҳолда олиб борилади. Бунинг учун эса институтимизда барча қўлайлик мавжуд. Масалан, “Буюк Ипак йўли” деб номланган махсус ўқув-лабораториясини олайлик. У жаҳондаги энг намунали меҳмонхоналарнинг кичик нусхаси бўлиб, “Reser-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

даражасига етиши соҳадаги изчил ислохотлар самарасидир, албатта. Кези келганда бир гапни айтиш жоиз. Ўтган йили институтимизга хорижий мамлакатдан талабалар келишди. Улар шарт-шароитимиз ва ёшларимизнинг дунёқараши билан қизиқиб, мулоқотга киришди. Бирга сабоқ тинглашди, амалиёт дарсларида бир-бирларини синая кўрдилар. Чет эллик талабалар билан келган мутахассисларнинг ҳулосаси шу бўлдики, мамлакатимиз таълим тизимидаги янгиланишларнинг халқро миқёсда эътироф этилиши бежиз эмас. Интилувчан, илмга чанқок, ўз олдига қўйган эзгу нияти сари дадил ҳаракат қиладиган йигит-қизларнинг пухта билим олишлари учун муносиб шароит яратиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган.

Президентимиз томонидан 2011 йилнинг 20 майида имзоланган “Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тизим фаолиятида ёрқин из қолдириши, шубҳасиз. Зеро, ушбу ҳужжатда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, модернизациялаш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида урғу берилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари, талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш каби йўналишлар ҳам қамраб олинган.

Айни пайтда айтиш керакки, институтимизда ўқитиш сифатини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Асосий мутахассислик кафедраларида соҳанинг энг замонавий техника ва технологиялари ўрнатилгани, ўқув жараёнида ахборот технологияларини кенг қўллашни таъминлаш мақсадида 24 компьютер синфи жиҳозлангани, битирув



Дарҳақиқат, буларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ бўлиб, ўзаро уйғунлик касб этади. Қарордан келиб чиқиб, амалиётга жорий этиладиган савий-ҳаракатлар ёшларимизнинг фанларни чуқур ўзлаштиришда қўлай шарт-шароитга эга бўлиши, спорт билан шуғулланиши ёки тураржойда кўнгилдагидек ҳордиқ олиши, пирор

малаштириш мақсадида 4 млн. АКШ долларига тенг асбоб-ускуна ва жиҳозлар келтирилди. Мазкур лойиҳа ҳажмида институт қошида тўқимачилик маҳсулотларини Сертификациялаш Маркази “Centexuz”, CAD — ки-йим ва пойабзал дизайни маркази, компьютер маркази, “Ипак технологияси”, “Тўқима технологияси ва дизайни”, “Трикотаж технологияси ва дизайни”, “Тўқимачилик маҳсулотларини пардозлаш ва қорғоз технологияси дизайни”, “Тикув буюмларини лойиҳалаш ва дизайни”, “Чарм буюмлари технологияси ва дизайни” кафедралари ўқув-лабораториялари энг замонавий ма-

шина ҳамда асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 2005 — 2008 йилларда институтимиз Пирей технология институтини (Греция), Португалиянинг Минхо университети ва “Logotech” компаниялари билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда

“Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини жиҳозларини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича Япония ва Ўзбекистон ҳукуматларининг тегишли қарорлари қабул қилинган. Бунда институт ўқув ва моддий-техник базасини тако-

ЯНГИЛАНИШ САОДАТИ

та умумтаълим мактаби бор. Ҳар қайсининг гўзаллиги ва салобати кўрган кўзни қувонтиради. Истиклол йилларида туманда ўнлаб янги мактаблар қурилди. 2011 йилнинг ўзида 2 та мактаб фойдаланишга топширилди. Барча мактабларда капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бугун Бойсуннинг узоқ кенгликларига ёйилиб кетган ҳар бир қишлоқнинг ўз мактаби бор. Таҳсилни шу масканларда бошлаб, олиму фозил даражаларига кўтарилган, ижтимоий ҳаётимизнинг турли жаҳбаларида меҳнат қилаётган, ўз иқтидорини, истеъдоди билан тенгдошларини лол қолдираётган фарзандларимиз борки, улар билан фахрланамиз.

Шуларни ўйласам, ҳаёлимда беихтиёр яқин ўтмиш манзараларни жонланади: Бойсундан ўттиз чакирим узоқликдаги Гуматак қишлоғиданман. Бошланғич таъ-

лимни беш чакирим узоқликда жойлашган мактабим олганмиз. Чала сувоқ қилинган пахса девор. Томи пастакканча. Қамиш тўшаб ёпилган. Шифтлари қорайиб кетган. Сув сеип турмасанг ичкари чангиб кетади. Икки кишилик партага тўрт киши ўтираммиз. Сув йўқ. Китоб-дафтар танқис. Спорт залию жиҳозлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Бешинчи синфдан Бойсун шахрига қатнадик. Одамларнинг уйда ижарага туриб ўқидик. Йўлнинг узоқлигидан кўпгина тенгдошларимиз мактабга бормай ҳам қўйишди...

Ҳақиқий мактаб қандай бўлишини эса истиклол йилларида кўрдик. Давлатимиз томонидан қишлоғимизда мактаб, бикиндан эса кўркам спорт майдончалари қуриб берилди. Ичкарисию ташқарисида қуёш нурулари жилоланади. Яп-янги ўқув жиҳозлари. Компьютерлар. Тўгарак машғулотлари учун алоҳида-алоҳида

хоналар. Биз бу мактабни “қишлоғимизнинг дорилфунуни” деймиз. Шу даргоҳни битирганларнинг бири бугун фан номзоди, бири магистр, яна бири мутахассис, тадбиркор...

Қишлоғимиз ҳам бўйига, ҳам энига кенгаймоқда. Ўқувчилар кўпаяётир. Шуни ҳисобга олиб, бюджетдан ташқари сармомиямиз ҳисобига 4 та қўшимча синфхона қурдик.

Истиклол нуридан, мамлакатимизнинг таълим тизимидаги ислохотлардан бугун юзимиз ёруғ, кўнглимиз мунаввар, қадамимиз шаҳдам. Бу сурур ҳеч қимдан кам бўлмай яшашимиз, меҳнат қилишимиз, эртанги кунга янада ишонч билан интилишимиз учун пиллапоядир.

Рамазон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси,
Бойсун туманидаги 53-мактаб директори.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— “Ипотека-банк”нинг Фарғона вилояти филиали молиявий кўмаги туфайли ишларимиз янада юришиб кетди, — дейди Фарғона шаҳридаги “Фарғона Муҳаммад Аюб” хусусий қорхонаси раҳбари Имомали Алиматов. — Айниқса, бизнес-форумга ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тақдим қилган лойиҳам

Кичик бизнес: ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

банк ходимларига маъқул бўлганидан жуда мамнунман. Гап шундаки, хўжаликда зарур бўлган газ плиталари учун эҳтиёт қисмлар анча камёб ҳисобланади. Шунга эътиборга олиб, уни ишлаб чиқарадиган ускуналар харид қилиш учун бюртма берган эдим. Бугунги тадбирда банк томонидан менга 50 миллион сўмлик кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Насиб этса, газ плиталари учун эҳтиёт қисмлар Фарғонанинг ўзида тайёрланади.

Бизнес-форум якунида Мустаҳкам оила йилида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш ва оилалар фаровонлигини таъминлаш борасида халқро молия ташкилотлари, мугасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Набижон СОБИРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Бунёдкорлик

Избоскан туманидаги Пойтуғ маданият ва истироҳат боғида кенг кўламли таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шинам боғлар кўпаймоқда

Хусусан, бу ерда “Хотира ва қадрлаш майдони” ҳамда турли аттракционлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун ҳолийлар томонидан 350 миллион сўм сарфланди.

Қисқача айтганда, боғда нафақат кичкинтойлар, балки катталарнинг ҳам хордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилган.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 14 февралдан бошлаб валютта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юртиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1954,01
1 Англия фунт стерлинги	2874,48
1 Дания кронаси	324,60
1 БАА дирхами	495,66
1 АКШ доллари	1820,56
1 Миср фунти	301,82
1 Исландия кронаси	14,92
1 Канада доллари	1822,02
1 Ҳитой юани	288,86
1 Россия рубли	60,90
1 Украина гривнаси	227,86
1 Малайзия ринггити	602,14
1 Польша злотийси	573,68
1 СДР	2824,43
1 Туркия лираси	1036,06
1 Швейцария франки	1994,04
1 евро	2402,96
10 Жапоний Корея вони	16,22
10 Юлуси ненаси	234,73

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



24 соат
ичида

Ёқилғи тортиб чиқарилмоқда

Бундан бир ой муқаддам Италия соҳилида ҳалокатга учраган “Costa Concordia” саёҳат кемасидаги ёқилғини тортиб олиш ишлари бошланди.



Манбада айтилишича, мазкур сув транспортда икки минг тоннадан кўпроқ ёқилғи мавжуд. Унинг уммонга тўкилиб кетиш хавфи шу пайтгача кўпчилиكنи хавотирга солиб келаяётганди. Чунки бу ҳол атроф-муҳитга жиддий салбий таъсир кўрсатади. Мутахассислар зиммаларидаги масъулиятли вазифани имкон борича тез ва сифатли яқунлашга ҳаракат қилишмоқда.

Парвоздаги асабийлашиш

Бразилиянинг “TAM Airlines” авиакомпаниясига қаршали самолёт Монтевидеодан Сан-Паулуга парвозни амалга ошираяётган вақтда Порту-Алегри шахрига мажбуран қўндирилди.

Бунга унинг бортида-ги йўловчилардан би-рининг ноҳўя хатти-ҳа-ракатлари сабаб бўлган. Яъни у учувчилар хона-сига кириб, кижпаж аъзо-ларидан бирига ҳўжум қилган. Натижада лай-нердагилар ҳаёти жид-

дий хавф остида қолган. Воқеадан хабар топган бир неча кишининг сай-ҳаракати билан безори зарарсизлантирилган. Кейинчалик маълум бўлишича, у одам асаб касаллигига чалинган экан.

Таомнинг хилма-хили яхши

Буюк Британияда ўн беш йил давомида фақат товуқ гўштидан тайёрланган овқатларни истеъмол қилган ўсмир қиз оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

АҚШнинг Калифорния штатидаги Стэнфорд универ-ситети мутахассиси Энн Хаттнернинг таъкидлашича, доим бир хил таом ейиш организм учун зарур бўлган моддалар етишмовчилигига олиб келади ва охир-оқибат инсон оғир хасталикка чалинади. Шу боис кун-далик овқатланишда хилма-хилликка алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ экан.

Кубок эгаси маълум бўлди

Замбия терма жамоаси футбол бўйича Африка миллатлар кубоги голиби бўлди.



Улар мусобақанинг фи-налида Кот-д’Ивуар терма жамоасига қарши баҳс

олиб боришди. Ўйиннинг асосий ва қўшимча вақт-ларида ҳам ҳисоб очилма-ди. Пенальтилар серияси-да эса омад замбиялик-ларга кулиб бокди — 8:7.

Бунгача Замбия терма жамоаси ушбу мусобақа-нинг финалида икки (1974, 1994 йиллар) бор тўп суриб, мағлубиятга учраганди.

Қиш синови ва инсон матонати

Европада совуқ ҳарорат туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сони беш юз нафардан ошди. Вазият эса ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

Жумладан, Босния ва Герцоговина пойтахтида қалин қор ёғиши туфайли спорт мажмуаларидан бирининг томи қулаб тушган. Бахтсиз ҳодиса вақтида бинода ҳеч ким бўлмаган. Бундан ташқари, ушбу давлатнинг бир қатор ҳудудлари ташқи дунёдан узилиб қолган. Бу жойларда яшовчи одамларга озиқ-овқат маҳсулот-лари ва бошқа зарур нарсаларни етказиш учун фақат вертолётлардан фойдаланилмоқда.

Руминияда эса автомагистраллар ёпиб қўйилган. По-ездлар ҳаракати ҳам вақтинча тўхтатилган. Тўпланиб қолган қор уюмларини тозалашда портловчи модда-лардан ҳам фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Мам-лакатнинг барча ҳудудларида гуманитар ёрдамларни қабул қилиш пунктлари фаолияти йўлга қўйилган.

Йўлдаги фалокат

Индонезиянинг Ғарбий Ява провинциясида дахшатли йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди.

Бу ерда йўловчиларни олиб кетаяётган автобус жарликка қулаб кетган. Оқибатда 13 киши ҳаёт-дан кўз юмган, қирқ киши тан жароҳати ол-ган. Фоҳиа автобус ва мотоциклнинг тўқнаши-ши натижасида юз бер-ган. Бу вақтда йўловчи транспорт воситасининг тормоз тизими ишламай қолгани ҳам вазиятни оғирлаштирган.

Хасталик оқибати

Дунёга машҳур қўшиқчи ва актриса Уитни Хьюстон 48 ёшида вафот этди.



Уитни Хьюстон жаҳон кинематографиясида алоҳида эътироф этиладиган “Тансоқчи” фильмидаги роли ҳамда унда қўйлаган қўшиги орқали машҳурликнинг юқори чўққисига кўтарилганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жараён

Аграр соҳа ривожини илгор қишлоқ ҳўжалиги техникаларисиз тасаввур қилиш мушкул. Негаки, ерга ишлов бериш, экинни парваришлаш, ҳосилни ййигиб-териб олиш, қўйингки, барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва самарали амалга оширилиши бевосита ана шундай техника воситалари билан боғлиқ. Шу боис, фермер ва деҳқонлар, соҳибқору миришкорлар ўз моддий-техник базаларини замонавий тракторлар, комбайнлар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратадилар.

Лизинг хизмати:

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Бирок уларни харид қилиш учун катта маблағ талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз томонидан корхоналар ва фермер ҳўжаликларига лизинг асосида янги техника ҳамда ускуналар харид қилиш учун кенг имконият ва имтиёзлар ярати берилаяётгани эътиборга лойиқ.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ ҳўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзқишлоқҳўжаликмашизинг” акциядорлик лизинг компанияси ташкил этилгани айни муддао бўлди. Пировардида фермерлар ҳамда қишлоқ ҳўжалик корхоналарига илҳам ва замонавий техникалар имтиёзли шартлар асосида тақлиф этила бошланди. Бинобарин, бу орқали соҳа ривожини таъминлаш, иш унумдорлигини ошириш, ёқилғи сарфи ҳамда ҳосилни ййиштириб олишдаги ортиқча сарф-харажатларни камайтириш, мавжуд маблағлардан мақ-

садли фойдаланиш имконияти юзага келди.

Компания ташкил этилгандан буён ўтган даврда Қашқадарё вилоятидаги буюртмачиларга 3069 та техника ва қишлоқ ҳўжалик машиналари етказиб берилди. Ҳозирги кунга келиб бундай имкониятдан баҳраманд бўлган фермер ҳўжаликлари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги корхоналари сони 1440 дан ошиб кетди.

— Ўртбўшимиз 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қишлоқ ҳўжалиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди, — дейди Миришкор туманидаги “Амазонка” фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳриддин Чўлиев. — Хусусан, соҳада, биринчи навбатда, тўпрок унумдорлигини ошириш чораларини қўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан

боғлиқ ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлиги эътироф этилди.

Албатта, бундай устувор вазифаларни янги ва иш унумдорлиги юқори техникаларсиз бажариш қийин. Оддий мисол, галла ўримида эски комбайнлардан фойдаланилса, ҳосилнинг 20-30 фоизи йўқотилиши, бунинг устига, жуда кўп микдорда ёқилғи сарфланиши маълум. Замонавий комбайнлар эса ҳосилни ййиштириб олишда ҳам, ёқилғи сарфиди ҳам анча тежамкор. Худди шундай ҳолат ер ҳайдаш ва бошқа агротехника юмушларида ҳам кузатилади. Ҳўжалигимизга лизинг асосида юқори иш унумига эга бўлган “ТС-60/70” русумли замонавий ҳайдов трактори, “Урганчкормаш” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган “ПОН-3+1” русумли ерга ишлов берувчи ускуна (плуг) сотиб олдик. Илгари четдан келтирилган бундай техникалар ҳозирги вақтда юртимизда ишлаб чиқарилиб, хорижикига нисбатан бирмунча арзон нархларда буюртмачиларга етказиб берилаятир.

● Реклама ва эълонлар ●

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

I. Кафедра мудири:

- Ноёб ва радиатив металл рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Электр энергетикаси.
- Ўзбек ва чет тиллар.
- Умумий физика.
- Кончилик иши.

II. Куйидаги кафедраларга профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент:

- Кончилик иши: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Ноёб ва радиатив металл рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
- Металлургия: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Ижтимоий-гуманитар фанлар: профессор — 1 ўрин.
- Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Электр энергетикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Олий математика: профессор — 1 ўрин.
- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

ОЛМАЛИК КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ бўйича вакант ўринлари

I. Кафедра мудирилари:

- Кончилик иши.
- Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.

II. Куйидаги кафедраларга профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент:

- Кончилик иши: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
- Ижтимоий-гуманитар фанлар: доцент — 1 ўрин.
- Металлургия ва кимёвий технология: катта ўқитувчи — 1 ўрин

ЗАРАФШОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ бўйича вакант ўринлари

I. Кафедра мудирилари:

- Ижтимоий-гуманитар фанлар.

II. Табиий ва умумтехника фанлари кафедраси: профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Кафедра мудирилгига номзодлар фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент бўлишлари шарт.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

- ректор номига ариза
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа
- олий маълумот тўғрисида диплом нусхаси
- илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестациялар нусхалари
- илмий-услубий ишлар рўйхати
- малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар.

Изоҳ: ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Навоий шахри, Жанубий қўчаси, 27-«А» уй, Навоий давлат кончилик институти, ўқув-услубий бўлим. Мурожаат учун телефон: (8-436) 770-29-40.

21/09/12

Тўр

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КҲИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА ТАКДИМ ЭТАДИ (НАРХЛАР ҚҚС БИЛАН ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНГАН)

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарт, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

21/09/12

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»
100 дона GSM/GPRS мобилъ терминал
сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб, 20 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз қўчаси, 36-уй. Телефонлар: (+99871) 150-76-47, 150-76-48.

21/09/12

Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

кафедралардаги куйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

1. **Ижтимоий фанлар кафедраси:** мудир (фан доктори ёки номзоди), доцент — 1, ўқитувчи — 1.
2. **Токсикологик кимё кафедраси:** мудир, доцент — 1.
3. **Фармацевтик кимё кафедраси:** мудир, доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
4. **Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси:** мудир, катта ўқитувчи — 1.
5. **Фармакогнозия кафедраси:** доцент — 2, ассистент — 1.
6. **Биотехнология кафедраси:** доцент — 1.
7. **Дори турлари технологияси кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
8. **Фармация кафедраси:** доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
9. **Ботаника ва микробиология кафедраси:** доцент — 1.
10. **Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси:** доцент — 2, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
11. **Органик ва биологик кимё кафедраси:** доцент — 1, ассистент — 1.
12. **Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси:** катта ўқитувчи — 1, ўқитувчи — 1.
13. **Тиллар кафедраси:** мудир (фан номзоди), катта ўқитувчи — 1, ўқитувчи — 1.
14. **Фармакология ва клиник фармация кафедраси:** ассистент — 1.

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек қўчаси, 45-уй. Телефонлар: (8-371) 256-37-38, 256-38-50.

21/09/12

Ўзбекистон — Германия

«САВДОГАР» очиқ акциядорлик тижорат банки

ORACLE маълумотлар базасини бошқариш тизимини лицензиялаш бўйича очиқ турдаги тендер эълон қилади.

Очиқ турдаги тендерда қатнашиш учун аризалар ва тендер ҳужжатларини олиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 кун муддатда амалга оширилади.

Тендер ҳужжатларини қабул қилиш 2012 йил 14 март соат 18.00 да тўхтатилади.

Тендер ҳужжатлари 2012 йил 15 март соат 11.00 да очилади.

Тендерда иштирок этиш тўғрисидаги ариза шакли ва бошқа маълумотларни Тошкент шаҳри, Саид Барака қўчаси, 78-уй, Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки тендер комиссияси масъул котибасидан олиш мумкин.

22/09/12

Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсолидир.

Ислон КАРИМОВ



Соғинч

роқдур. Бешинчи иқлим-диндур... Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннахр дерлар. Хеч ёғий қаҳр ва галаба ила мунга даст топмагон учун “балдаи маҳфуза” дерлар. Самарқанд амир-ул мўминун Усмон замониди муслмон бўлгондур. Саҳобаддин Кусам ибн Аббос анда борғондир. Кабри Оҳанин дар-возасининг тошидадур.

ЮРТ ТАЪРИФИ

“...Фаргона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлбтур. Шарқи Кошғар, гарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар... Мухтасар вилояттур, ошлик ва меваси фаровон. Гирдо-гирдо тоғ воқеъ бўлбтур. Фарби тарафимиз, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин киш ёғий кела олмас. Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйига машхурдур, шарқ ва шимоли тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, фарб сори оқар...”

Етти пора қасабаси бор: беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки (си) шимол жонибида. Жанубий тарафидаги қасабалар (дан) бири Андижондур-ким, васатта воқеъ бўлбтур, Фаргона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиги вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур...

Эли турқдур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур...

Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр кам-

Холо Мазори Шоҳа машхурдир. Самарқандни Искандар бино қилгондур. Мўғул ва турк улуси Семизканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улғу подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур. Қўргонини фасилнинг устидин, буюрдумким, қадам урди-лар. Ўн минг олти юз қадам чикти...

Яна Кеш вилоятидур, Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била кеш орасида бир тоғ тушубтур. “Итмак добини” дерлар. Сангтарошлик қилур тошларни тамою бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун, Шаҳрсабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун шаҳр ва пойтахт қилурға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди. Олий иморатлар Кешта бино қилди...”

«Бобурнома»дан

Ҳазал бўстони

Шопмадим

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнгулдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,
Кўнгул киб кўнгулни гирифторм топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу тибани яна хушёр топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.

Бобур, ўзунги ўргатакур, ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.

Хазон япғори янли...

Хазон япғори янлиг гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй доларух, бу чехраи зардим.

Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигингни сарвек ҳаргиз,
Аёғингга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул каби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон япғоридек бордим.

Хазондек қон ёшим сориг юзундин эл танафурда,
Баҳар ранге, бихамдиллох, улусдин ўзини кутқордим.

Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайдур,
Фалак авроқини ҳар некаким дафтардин ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин утқардим.

Фард

Борму экин ҳеч нима оламда жиҳрондин ямон,
Ҳар неким ондин ямонроқдур, будур ондин ямон.

Бинобарин, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарларини мутолаа этар эканмиз, уларда инсон тарбияси, отанинг фарзандларга нисбатан ғамхўрлиги, оилага юксак муносабатига оид фикр-мушоҳадаларига дуч келамиз.

Заҳириддин Бобур, энг аввало, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор берган. У бутун умри давомида ўғиллари — шахзодалар Хумоюн, Комрон, Хиндолга насихатлар қилар экан, уларнинг салтанат бирлиги учун жиҳслашишларини истайди, ёши улғларга эҳтиром кўрсатишга ундайди. Айниқса, катта фарзанди Хумоюнга салтанат фармон ва амрларига итоат этишини, кичик фарзандларининг эса унга бўйсуншини қаттиқ талаб этади.

Бобур шоҳ ва шоирликдан ташқари, тарихчи, этнограф, ўлкашунос, биолог, географ, диншунос, тилшунос олим сифатида ҳам ўз даврида ном қозонган, араб алифбоси мураккаб, ўрганилиши оғир бўлганлиги боис, янги “Хатти Бобурий” алифбосини яратган, давлатчиликда вақт

меъёрларини қайта ишлаб чиққан, почта тизимига қулай тарзда тартиб берган ва яна кўплаб ислохотларни амалга оширган. Борган ерида ободончилик, бог-роғ барпо этган. Шунингдек, унинг ўз оиласи, қариндошлари ва яқин киши-ларига муносабати ҳам биз учун ибратлидир.

Оилапарвар Бобур

Хумоюнга укаларига меҳрибон бўлиш, уларнинг камчиликларини кечиришни тайинлайди.

“Бобурнома”да баён этилган, ўғли Хумоюнга ёзилган мактубда унинг фарзанд тарбиясидаги қарашлари давлатчилик қонуни билан яхлит эканлигини кўрамиз. Бунда Бобур мулк тақсимлашда фарзандлар орасида бир-бирларини қадрлаш, эҳтиром кўрсатиш, мулкларига тажовуз этмасликини алоҳида уқтиради. Бу ҳам тарбия, ҳам салтанат дахлсизлигини ҳимоя этиш одоби ҳисобланган. “Агар тенгри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг (яъни Хумоюн мирзонинг — Х.К.), Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агарда тенгри инояти била Самарқанд

ҳам мусаххар бўлса, Самарқандта сен ўлтиргил, Ҳисор вилоятини, иншооллох, холиса қилғумдур. Агар Комрон Балхни

Сийрат

озирганса, арзадошт қилинг, иншооллох анинг қусурини ўшал вилоятлардин-ўқ рост қилғумиздур... Яна ининг била яхши маош қилғайсен. Улуқлар кўтаримлик керак, умидим борки, сен ҳам яхши ихтилот қилғайсен. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит қўпбтур, ул ҳам мулозамат ва яқинхатлиқта тақсир қилмағай”.

Хумоюнга битилган бу мактубда фақат салтанат муаммолари ва фарзанд бурчи ҳақида эмас, балки ёш шахзода шахси-

ни камол топтиришга қаратилган фикр ўта муҳимдир. Бобур Хумоюннинг укаларига эътибор беришини сўраш билан бирга, унинг саводли бўлиши, ёзишмаларида имло ва хат, ҳуснихат ва сўз жозибаси, мантиққа алоҳида аҳамият қаратишини сўрайди. Бу ўғитлар барча давр ёшларининг тарбиясига ҳам дахлдорлигини кўрамиз.

Бобурнинг оилага бўлган чексиз меҳрини унинг қизи Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома”

Умуман, “Бобурнома”да, бошқа назмий асарларида, айниқса, “Мубаййин”да бобокалонимиз оилада фарзанд тарбияси, жамиятда ота ва онанинг муқаддас ўрни ҳақида бебаҳо фикр-мулоҳазалар билдирганки, буларнинг барчаси ул зотнинг нақадар улўғлигини ифодалайди.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

АЖДОДЛАР ИБРАТИ

Ҳар бир инсон ўзлигини англашга, аجدодлари ҳақида кўпроқ билишга, улар ҳаётини ўрганишга интилади. Бу борада эса тарихий асарлар беқиёс аҳамиятга эга. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи воқеа ва ҳодисалар биз учун ҳаммаша қимматлидир.

Фарҳ

Ғафур ҚУРБОНОВ,
Ғузур туманидаги 12-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

— Истиқлол туфайли тарихимизни ҳаққоний ўрганиш имконига эга бўлди. Кўплаб буюк бобокалонларимиз асарлари сингари Бобур ижодида ҳам ёшларимиз учун ибратомуз жиҳатлар кўп. Унинг Ватанин севиш, ота-онага ҳурмат, дўстга садақат кўрсатиш хусусидаги фикрлари кишига юксак маънавий сабоқ беради.

Обид АБИЛОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси:

— Бобур асарларини ҳаммаша севиб ўқийман. Кўплаб ғазалларини ёддан биламан. Тўғри, уларни мактабда ўқиб юганимда ёдлаганим боис, ўша пайтлари маъносига унчалик тушуномас эдим. Кейинчалик эса ҳар бир ғазал, ҳар бир рубоий таг замирида шоирнинг изтироблари, ташвишлари, юрт соғинчи ётганлигини англаб

етдим. Тарихимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш каби имкониятлар истиқлол туфайли юз очди. Аждодларимиз нафақат давлат бошқарувида, балки адабиёт, санъат, маданият ва бунёдкорлик каби қатор йўналишларда ҳам буюк ислохотларни амалга оширган. Шу боис уларнинг дунё маданияти тарихида тутган ўрни ниҳоятда беқиёс.

Ортиқали ИСАЕВ, шифокор:

— Касбим шифокор бўлса-да, Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз ҳаётига оид асарларни кўп ўқийман. Фарзандларимни ҳам шунга даъват этаман. Умуман, ўғил-қизларимизни тарбиялашда бу улғу зотларнинг ўғитларидан фойдаланиш фақат наф келтиради.



Рубоийлар

Рафтори-ю қаддига равоним садқа,
Бир боқшига икки жаҳоним садқа.
Оғзи-ю белига боду нобудим сарф,
Кўзи-ю лабиға жисму жоним садқа.

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри (азизи),
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши,
Бу икки иш муяссар бўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

Сен гулсену мен ҳақир бўлбурдурмен,
Сен шўъласену ул шўълага мен кулбурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтисоиб айламаким,
Шаҳмен элга, вале санга кулбурмен.

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмаёй ямонлик ҳаргиз
Ҳар кимки, ямон бўлса, жазо топқусидур.

СУЛОЛА ТАРИХИДАН

Академик В. Бартольд дунёда тарқалган “Буюк мўғуллар” иборасининг хато эканлигини таъкидлар экан, “Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, Бобур салтанати учун “Буюк мўғуллар” деган ном тўкидилар”, деб ёзади. Бу ибора эса Европандан Ҳиндистонга “кўчиб”, ҳиндлар орасида инглизча китоблар орқали тарқалган. Сўнгги йилларда “Буюк мўғуллар”деб аталган хато ибора ўрнига “Бобурийлар” ибораси қўлланила бошландики, бу тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттиради.



Дунё эътирофи

Бобур ~ дилбар тахс... Ўйюниш даврининг тиник ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган.

Жавоҳирларъ НЕРУ

Бобур ботиқлигининг беки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлди-тошиб ёшибди.

Н. ВЕСЕЛОВСКИЙ

Бобур феъл-саъж-ста кўра Цезарга қараганда севишга арзунликидир.

Эдуард ХОЛДЕН

Туяқлар

Васлдин сўз дегра йўқ ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.
Ўқунг этти кўп ямон ёро манга,
Марҳами лутфунг била ёро манга.

Қадимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнгул ғаму андух ўтиға ёқилди.
Ҳолими сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади, ё қилди.

Авлодлар эҳтироми

Пойтахтимизда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намоянчаси — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд айёмига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Республика халқ таълими вазириги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда адабиётшунос олимлар, соҳа мутахассислари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, изланувчи ёшлар ва ўқувчилар иштирок этди. Анжуманда

Анжуман

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси, улкан ижодий мероси хусусида сўз борди. Тадбир давомида, шунингдек, пойтахтимиз мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Ғазалхон ёшлигим” деб номланган танлов ғолиблари эълон қилинди.

Ғолиблар Халқ таълими вазирлигининг дипломлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳридин ШАЙВАЛИЕВ.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 107 942 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ғ. Шералиев.
Мусаххач — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси